



КАРАРЫ

Нүсүс шахра

Ноқис қаласы

№ 220

« 2 » апрель 2018 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни
жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли фармони ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги
«Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга
доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли фармони ижросини
таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

КАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги
«Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга
доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли фармони
ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган
фармони билан:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят
хокимликларига Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги
билан биртаъликда:
2018 йилда ҳар бир ҳудудда 1-2 та мева-сабзавот кластерлари
ташқил этсин ва 2019 йилдан бошлаб мева-сабзавот етиштиришга
иктисослашган барча туманларни кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини
ташқил этишининг кластер шаклига жалб этиш;

мева-сабзавот кластерларига ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж
ва туپроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда кишлоқ хўжалиги
экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини
белгилаш, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан улар томонидан
тайёрланаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан
шартномалар тузиш бўйича мустақил карор қабул қилиш ҳуқуқи тақдим
этилганлиги;

мева-сабзавот кластерларига кўчатзорлар, жумладан логистика
марказлари (музлатгич, оғбор, қайта ишлаш қуваватлари, лаборатория, машина-
техник станциялари учун инфратузилма биноларини) ташқил қилиш учун
ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарорлар тезкор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда
кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ирригация
ва коллектор қурilmаларини тозалашда ёрдам кўрсатиш топширилганлиги;

б) Қуйидагилар 2021 йил 1 январга қадар:

кўчатхоналар ва иссиқхоналарда уруғ, кўчат ва пайвандтар етиштирувчи
ва уларни кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига
етказиб беришчи хўжалик нуритувчи субъектлари барча турдаги солиқ
ва йиғимлар тўлашдан (яғна ижтимоий тўлов бундан мустасно);

четдан олиб қирилаётган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар,
минерал ўғитлар, ўсимликларни қимёвий химовлаш воситалари, замонавий
энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари иловата
мувофиқ божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғим
бундан мустасно);

импорт бўйича олиб қирилаётган, мева-сабзавот маҳсулотларини
ташишга иктисослашган транспорт воситалари (ТИФ ТН қолдари – 870120,
870421, 870422, 871639) божхона тўловлари ва Республика йўл жамғармасига
йиғимлар тўлашдан озод этилганлиги;

в) 2018 йилнинг 1 январидан мева-сабзавот маҳсулотлари
етиштирувчи ташкилотларга даромадга воситачи ташкилотлар учун кўзда
тутилган ставка бўйича солиқ солган ҳолда мукофот сўммасидан яғна
солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқи берилганлиги;

2018 йилнинг 1 апрелидан битта мева-сабзавот кластери ичида
сотиладиган маҳсулотта кўшимча қиймат солиғи солинмайди ва давлатнинг
мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар ундирилмаслиги белгилаб
қўйилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тадбиркорлик
фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси
томонидан 2017 йил 5 сентябргача иссиқхоналар қуриш, интенсив
боғлар яратиш ва музлатгичлар қуриш учун халқаро молия институтлари
кредит лийнйлари ҳисобидан ажратилган валюта кредитлари бўйича
белгиланган фойз ставкасининг 50 фойзгача миқдорда компенсация тўлаш
тартибини тасдиқлаш топширилганлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва сўғурта ташкилотлари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва тайёрловчилари ўртасида контракция шартномаларини сўғурташ механизмини такомиллаштириш бўйича тақдирлар киритиш топширилганлиги;

е) Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Ташки савдо вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги ўсимликлар карантинни давлат инспекцияси ва «Ўзароқимёхимо» АЖ билан биргаликда, тажриба тарикасида, реал натижалардан ва ҳосилнинг сақланишидан келиб чиқиб якуний ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши ва мукофот олишینی ҳисобга олган ҳолда фитосанитария таъминотини, ўсимликларни зараркунандлар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоялашни таъминлаш топширилганлиги;

ё) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги ўсимликлар карантинни давлат инспекциясига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 сентябрьгача бўлган мuddатга ўсимликларни зараркунандлар, касалликлар, бегона ўтлар, бактериялар ва вируслардан комплекс химоялаш, фитосанитария назоратини курайтириш ва республикада макбул фитосанитария ҳолатини таъминлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиб топширилганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, Ташки савдо вазирлигига 2018 йил 1 ноябрга қадар барча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари эркин фойдалана оладиган селхозиятги хорижий бозорларнинг электрон маълумотлар базасини яратишни таъминлаш, бунда мева-сабзавот маҳсулотлари турлари, навлари, асосий истеъмолчилари бўйича эхтиёжларнинг тахминий ҳажми, шунингдек, кўйиладиган талаблари бўйича ахборот олиш имконияти кўзда тутилсин;

хорижий бозорлар бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ташки савдо вазирлиги томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва савдо ваколатхоналарининг ходимларини жалб қилган ҳолда, шакллантирилади ва янгилашни белгиланганлиги;

з) «Ўзбекэнерго» АЖ (У.Мустафев), «Ўтрансгаз» АЖ (А.Мустафев), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенashi ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига мева-сабзавот кластерларининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш қувватларини электр энергия ва табиий газ билан уларнинг табиий эхтиёжларига мувофиқ узлуksиз таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатилганлиги;

и) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда агротехнологиялар соҳасида юқори малакали, замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишни таъминлаш топширилганлиги;

к) Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига вилоятлар ҳокимликларида, мева-сабзавот кластерлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларига кўра жалб этиладиган хорижий мутахассислар учун 12 ойгача бўлган мuddатга кириш визалари ва кўп марталик визалар расмийлаштиришни таъминлаш топширилганлиги;

л) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вилоятлар ҳокимликларида, мева-сабзавот кластерлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларига кўра жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун давлат божини ундирмаган ҳолда кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва узайтириш, шунингдек, яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилиш, ҳисобга қўйиш ва вақтинча пропискани узайтиришни таъминлаш топширилганлиги;

м) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига мева-сабзавот кластерлари буюртмаларига кўра белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига қишлоқ хўжалиги бўйича юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун руҳсатномалар берилиши, шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Худудида меҳнат фаолияти билан шугулланишга руҳсат бериш (узайтириш)ни таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимликлари жорий қишлоқ хўжалиги йилидан бошлаб:

мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараёнини мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар турухи доирасида;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги номушларини ташқил қилиш учун экиш матрисиани, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган нархларда сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида кафолатланган шартномалар асосида «уруғ-кўчат-маҳсулот етиштириш-тайёрлаш-сақлаш-қайта ишлаш-транспортировка қилиш-бозорга етказиш» тамойили бўйича узлуksиз занжирни шакллантиришни кўзда тутувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташқил этишнинг кластер усулини (кейинги ўринларда мева-сабзавот кластерлари деб юртилди) кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилисин.

4. Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, туман ҳокимлари тегишли тартибда чигитдан бўшган ерларда кишлок хўжалиги экинларини экишда: логистика марказлари (мева-сабзавот маҳсулотларини саклаш, бирдамчи ёки чуқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, кишлок хўжалиги техникаси), шунингдек, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тажрибасига эга;

замонавий иссиқхона хўжаликлари ва интенсив боғлар яратиш ва улардан фойдаланиш тажрибасига эга;

қўшимча кийматлар занжирини бўйича кластер усулида кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шахсий ва жалб қилинган молиявий маблағларига эга;

мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, жумладан экспорт қилишни ташкил қилиш, замонавий ресурс ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш вазибаларини ўз зиммасига оладиган хўжалик нотиувачи субъектларига (ўзаро боғлик қорхоналар гуруҳига) биринчи навбатда ердан узоқ муддатли ижара шартларида фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этсин.

5. Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси 1-2 та мева-сабзавот кластерлари ташкил этсин ва 2019 йилдан бошлаб мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган барча туманларни кишлок хўжалик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер шаклига жалб этсин;

мева-сабзавот кластерларида ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж ва тулрок-иклим шартларини ҳисобга олган ҳолда кишлок хўжалиги экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини белгилаш, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан улар томонидан тайёрланаётган кишлок хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини тақдим этилсин;


мева-сабзавот кластерларига кўчатзорлар, жумладан логистика марказлари (музлатгич, омор, қайта ишлаш қувватлари, лаборатория, машина-техника станциялари учун инфратузилма бинолари)ни ташкил қилиш учун ер майдонлари ажратилиш тўғрисидаги қарорлар тезкор қабул қилинсин;

Қўйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан ҳамкорликда кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ирригация ва коллектор қурилмаларини тозалашда ёрдам кўрсатсин.

6. Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ўшбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажариллигини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К. Сариев